DOI: https://doi.org/10.5281/zenodo.7632193 Pages: 434-445



WOMEN IN SUSTAINABLE DEVELOPMENT: SCIENCE AND QUALITY EDUCATION

3RD INTERNATIONAL CONFERENCE



ЁЗУВ МАЛАКАСИНИ БАҲОЛАШ МЕТОДИ (ЮРИДИК ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ МИСОЛИДА)

Зулфия Пўлатова
Судьялар Олий мактаби
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси "Бизнес-инглиз" тили кафедраси доценти в.б.,
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
zulfiya-pulatova79@mail.ru

Калит сўз: ёзув, баҳолаш методи, казус, жорий ва оралиқ назорат, модул, мезон, назорат саволлари, аналитик таҳлил, назорат турлари, рубрика.

.

Аннотация: Ушбу мақолада нофилологик, яъни юридик йўналиш талабаларининг ёзув малакасини баҳолаш амалиётининг тартиби ва мезонлари таҳлил қилинди. Умумевропа CEFR тизимининг B2 даражасига қўйилган талабларга кўра, битирувчилар махсус номалар ёза олиш (бизнес хатлари, электрон хатлар), соҳага оид яхши тузилган иншо ва маърузалар ёза олиши, етарли даражада грамматик, мазмун жиҳатдан тўғри тузилган ва мос услубдаги илмий ва тадқиқот мақолаларини ёза олиши кўзда тутилади. Талабалар билимини баҳолашнинг модулли тизимдаги хусусиятлари илмий жиҳатдан тадқиқ қилинди ва зарурий натижалар қўлга киритилди. Модулли тизимнинг талабалар ёзув кўникмаларини баҳолашдаги мақбул ва рационал эканлиги илмий хулосалар ёрдамида аниқланди ва таклифлар ишлаб чиқилди.

METHOD OF ASSESSMENT OF WRITING SKILLS
(in the example of working with students of legal education)

Keywords: writing, assessment method, case study, current and mid-term control, module, criterion, assessment questions, analytical thinking, assessment types, rubric.

Annotatsion: This article analyzed the procedure and criteria of law students' writing skills assessment practice. According to the requirements of European CEFR system, graduates of B2 are expected to be able to write special letters (business letters, e-mails), to write well-structured essays and lectures related to the field, to be able to write academic and research articles with sufficient grammar,

content and appropriate style. The features of student knowledge assessment in the modular system were scientifically researched and the necessary outcomes were obtained. The adequacy and rationality of the modular system in the evaluation of students' writing skills was determined with the help of scientific assumptions, and proposals were developed

МЕТОД ОЦЕНКИ ПИСЬМЕННЫХ НАВЫКОВ (НА ПРИМЕРЕ РАБОТЫ СО СТУДЕНТАМИ ЮРИДИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ)

Ключевые слова: письмо, метод оценивания, кейс, текущий и промежуточный контроль, модуль, критерий, контрольные вопросы, аналитический анализ, виды контроля, рубрика

Аннотация: В данной статье проанализированы порядок и критерии нефилологической, то есть практики оценивания навыков письма студентов-юристов. Согласно требованиям уровня Б2 общеевропейской системы CEFR, выпускники должны уметь писать специальные письма (деловые письма, электронные письма), писать хорошо структурированные эссе и лекции, связанные с областью, уметь писать академические и исследовательские статьи с достаточной грамматикой, содержанием и соответствующим стилем. Были научно изучены особенности оценивания знаний учащихся в модульной системе и получены необходимые результаты. С помощью научных выводов определена приемлемость и рациональность модульной системы в оценке навыков письма студентов, разработаны предложения.

Модулли тизимда юридик йўналиш талабаларининг ёзув малакасини баҳолаш айнан ўз соҳасининг терминларини ёзиш ва билишга бўлган қизиқиши, билими самарадорлигини ошириш, ҳозирги замон фан ютуқларини ўрганишга бўлган интилишларини кучайтириш, уларни ёзув ижодкорлигига ундаш, ёзув бўйича назарий билимларини амалиётда қўллаш малакасини ҳосил қилишда халқаро тадқиқот ғояларини амалий жараёнга татбиқ этиш муҳимдир.

Бунда юридик йўналиш талабаларининг ёзув малакасини баҳолаш ва келажакда ўз соҳасидаги меъёрий ҳужжатларни тўғри ёзишга ўргатиш учун айнан ўқув малакаларини ҳосил қилиш методикасини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидловчи тажриба мақсади – тадқиқот ғояларини илгари суриш, ёзув малакаларини ҳосил қилиш бўйича муаммоларни ўрганиш, умумий тайёргарликни ташкил этиш, ўқув жараёнидаги ёзув малакасини ҳосил қилиш бўйича ўқитиш шакл ва методларини аниқлаш, методик ишларни олиб бориш, аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотлар учун топшириқларни ишлаб чиқишдан иборат бўлди.

Тажриба-синовнинг аниқловчи *босқичида* тажриба-синов майдончалари ва иштирокчилари аниқланди, уларнинг педагогик жараён тавсифи белгиланди, ёзув малакаларини ривожлантиришга қаратилган методик таъминот ишлаб чиқилди.

Қуйида тажриба-синов сўровномалари таҳлили натижаларини келтириб ўтамиз. Сўровномалар талабалар ҳамда профессор-ўқитувчилар томонидан тўлдирилганлиги сабабли биз улар келтириб ўтган муаммоларни солиштиришни лозим деб топдик. Дастурлар, баҳолаш мезонлари ва қўйиладиган талаблар талабаларга семестр бошида тақдим қилинса, кўзланган натижага маълум маънода эришилади ва таълим сифатига ижобий таъсир кўрсатади (1 жадвал).

Тажриба-синов ишларини ташкиллаштиришда тадқиқотчи тадқиқ этилаётган педагогик жараёнда юридик йўналиш талабаларининг ёзув малакасини баҳолашга қаратилган меъёрий ҳужжатларни ёзишни ўргатиш мақсадида танлаб олинган олий таълим муассасаларида шарт-шароитлар яратилди. Тажриба-синов ишлари жараёнида талабаларга ўз мутахассислик соҳасида фойдаланиладиган ҳужжатлар, атамалар ва улар иштирокидаги ёзишни ўргатишга қаратилган ўқитиш шакллари (аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотларда) ва методларининг самарадорлик кўрсаткичлари тизимли равишда тажриба ва назорат гуруҳларида аниқланиб, қайд этилди.

1-жадвал

Тажриба-синов натижаларига оид фикр-мулоҳазалар ва ечим

Ўқитувчилар	Талабалар
1. Балларни мезон бўйича тақсимлаш қийин. 2. Талабалар ўзларининг ва ўқитувчининг ишини баҳолаб, фикр-мулоҳазаларини ёзадилар. 3. Вазифаларни талабларга мувофиқ тўлик бажармаслик. 4. Кредит-модуль тизимида талабанинг ёзув малакаси стилистикаси, фикрини баён этиши, таҳлил қила олиши, қўлланилган усуллар ва келтирилган хулоса. 5. Даражанинг ҳар хиллиги. 6. Вазифани бажаришда рационаллик етишмайди.	1. Назорат (баҳолаш) ишларининг ҳаққоний бўлмаслиги. 2. Жорий назорат материали билан якуний назорат саволлари номутаносиб. 3. Робот каби фикрлашни йўқ қилиш; эркин, ижодий ва танқидий фикрлашга имкон бериб, уни қўллаб-қувватлаш. 4. Дарсларнинг фақат назария билан эмас, амалиёт билан ҳам боғлиқ ҳолда олиб борилиши.
Ечим: 1. ОТМнинг баҳолаш мезонларини такомиллаштириш. 2. Талабаларнинг семестр бошида дастур, баҳолаш мезони, рубрикалар билан олдиндан танишишини таъминлаш. 3. Назорат савол(test item)ларини тузишда аниқликка эътибор бериш.	

Тажриба-синов дастурида “Чет тиллар бўйича таълимнинг барча босқич битирувчиларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар”га кўра олий таълим муассасаларининг номутахассис факультетлари бакалавриат босқичи битирувчилари тўрт йиллик таҳсиллари ниҳоясида ўрганган чет тили бўйича B2 даражани эгаллашлари шарт. Унга кўра, битирувчи талабалар B2 даражани таъминловчи ёзув малакасини баҳолаш алгоритми ишлаб чиқилди.

Тажриба-синовни олиб бориш учун тадқиқотчи томонидан тажриба-синов дастури терминлари “Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш” тўғрисидаги умумэътироф этилган халқаро меъёрлари (CEFR – Common European Framework of Reference) га мувофиқ қайта ишлаб чиқилди, унинг вазифалари таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлар асосида дастурда тажриба-синов ишлари босқичлари, унинг қисмлари, оралиқ натижалар ҳамда уларга эришиш кетма-кетлиги белгилаб олинган.

Тажриба-синов ишининг *амалий босқичида* талабаларнинг ёзув малакасини ривожлантиришга қаратилган қуйидаги баҳолаш модели ишлаб чиқилди. Бунда (CEFR – Common European Framework of Reference) B2 даражасида ёзиш малакасига эга бўлишдаги WRITING (Ёзиш) бўлими талабларига риоя қилинди, яъни: берилган вазият ёки мавзу асосида, топширилаётган даражага мос лексика ва грамматикани қўллаган ҳолда яхлит матн туза олиш кўникмалари текширилади. Тестнинг ёзма қисми (текширилиши лозим бўлган лексик ва грамматик компетенциялар, ёзиш бўлимлари) компетенцияларига максимал балл - 5 баллни ташкил қилади. Жами максимал балл: 25 - балл. Тестдан муваффақиятли ўтиш учун максимал баллга нисбатан 60% (15 балл) ёки ундан юқори балл йиғиш керак (2-жадвалга қаранг):

2-жадвал

Ёзув малакаси топшириғи

Чет тили бўйича ёзув малакасига эга бўлиш даражаси учун топшириқ
WRITING (Ёзиш) (80 дақиқа / 2 та топшириқ) Ёзма нутқ бўлимининг мақсади талабалар фикрини чет тилида ёзма равишда тўғри ва равон ифодалай олиш қобилиятини текширишдир.
1-топшириқ: хат ёзишмалари.(расмий ва норасмий). Талаба берилган мавзу ва таянч саволлар асосида хат ёзиши лозим. Мавзуда муаммо кўтарилади ва хатда ушбу

муаммо юзасидан фикр билдирилади. 100-150 та сўздан иборат матн ҳосил қилиниши талаб этилади.
2-топшириқ: шахсий тажрибага асосланган эссе ёзиш. Талаба таянч саволлар асосида берилган мавзуда қисқа эссе ёзиши керак. Бунда эссе матни мазмунида 200-250 та сўз қатнашиши талаб этилади.

Талабалар ёзув малакасини ривожлантиришга қаратилган баҳолаш моделини келтирамиз (3-жадвалга қаранг):

3-жадвал

Ёзув малакасини баҳолаш модели

Ёзув малакасини баҳолаш					
Жорий назорат		Оралиқ назорат		Якуний назорат	
Ёзувни баҳолаш топшириқлари					
ЭССЕ		**ХАТ ЁЗИШ (норасмий)**		**ХАТ ЁЗИШ (расмий)**	
Ёзувни баҳолашга қўйиладиган талаблар					
Боғловчилардан, оддий сўзлардан эмас мураккаб сўзлардан фойдаланилгани ижодий ёндашганлиги, аниқ фактлар билан асосланганлиги ва мисоллар келтирилгани, стилистик, граматик хамда орфографик қоидаларга бўйсуниши.		Боғловчилардан, оддий сўзлардан эмас, мураккаб сўзлардан фойдаланилганлиги ижодий ёндашганлиги, аниқ фактлар билан асослаганлиги ва мисоллар келтирилгани, стилистик, грамматик ҳамда орфографик қоидаларга бўйсуниши.		Боғловчилардан, оддий сўзлардан эмас, мураккаб сўзлардан фойдаланилганлиги, ижодий ёндашганлиги, аниқ фактлар билан асосланганлиги ва мисоллар келтирилганлиги, стилистик, грамматик ҳамда орфографик қоидаларига бўйсуниши, расмий услубда ёзилиши.	
Баҳолаш мезони					
	Мақсадга эришиш	**Мувофиқлик**	**Уйғунлик**	**Боғлиқлик ва грамматика**	**Луғат бойлиги**

1	*2-3	*4-5
Вазифа тўлиқ бажарилмаган, ноаниқ мақсад қўйилган, кўрсатмаларга риоя қилинмаган, муваффаққиятга эришишга ишончли эмас, мазмуннинг ёритилиши нояник, ғоялар ишончли эмас.	Вазифани бажаришда баъзи бир камчиликлар мавжуд, мақсад айрим жойларда ноаниқ, кўрсатмалар тўғри бажарилган, муваффаққиятга эришишда ишончи камроқ, мазмуннинг ёритилишида етарли ғоялардан фойдаланилган.	Вазифа юқори даражада бажарилган, яъни мақсаднинг аниқлиги, кўрсатмаларнинг тўлиқ бажарилганлиги, мақсаднинг самарадорлиги, мувафаққиятга эришишга ишонч билан ёзилганлиги, мазмуннинг тўлиқлиги, ёзишда оригинал ғоялардан фойдаланилганлиги.
Ёзув шакли ва услуби мавзуга мос эмас, мавзуга оид маълумотлар жуда кам.	Ёзув шакли ва услуби мавзуга мос, мавзуга оид маълумотлар кам, расмий маълумотлардан етарлича хабардор.	Ёзув шакли ва услуби мавзуга мос, мавзуга оид маълумотлардан хабардор, расмий маълумотларга мувофиқ ёзилган.
Мавзуни ёритишда мантиқий кетма-кетликка асосланмаган, маълумотлар тушунарсиз ва жуда чалкаш.	Мавзуни ёритишда мантиқий кетма-кетликка асосланган, етарлича маълумотлардан фойдаланилган ва матн изчил ёритилган.	Мавзуни ёритишда мантиқий кетма-кетликка асосланган ғоялардан фойдаланилган ва мақсадга уйғун равишда ёзилган.
Гапларнинг грамматик тузилмаларида оддий хатоликларга йўл қўйилган, нотўғри сўзлар ишлатилган, тиниш белгилари нотўғри қўйилган.	Гапларнинг грамматик тузилмаларида оддий, лекин тўғри фойдаланилган, баъзи бир имловий хатолар мавжуд, тиниш белгилари тўғри қўйилган, хатолари кам бўлиб илгари сурилган ғояга сезиларли даражада таъсир қилмайди.	Гапларнинг грамматик тузилмаларида мураккаб жумлалардан фойдаланилган, имловий хатолари мавжуд эмас, тиниш белгилари тўғри қўйилган, хатолари жуда кам бўлиб, илгари сурилган ғояга таъсир қилмайди.
Мавзуни ёритишда содда луғатлардан фойдаланилган ва айрим жойларида нотўғри талқин қилинган.	Мавзуни ёритишда луғатлардан етарли даражада фойдаланилган, лекин айрим жойларда нотўғри талқин қилинган, ёзилишида оригиналлик мавжуд.	Мавзуни ёритишда мос луғатлардан фойдаланилган ва ижодий ёндашилган, ёзилишидаги оригиналликка риоя қилинган.

0	Вазифа бажарилмаган, лекин кисман бажаришга харакат қилинган, баҳолаш учун етарли эмас (20 та сўздан кам).	Ёзув шакли ва услуби баҳолаш учун етарли эмас (20 та сўздан кам).	Мавзуни ёритишда уйғунлик мавжуд эмас (20 та сўздан кам).	Грамматик тузилмалар хақидаги билимларга эга эмас (20 та сўздан кам).	Мавзуга тегишли луғатлардан фойдаланилмаган (20 та сўздан кам).

Юқорида келтирилган ёзув малакасини оширишга қаратилган топшириқлар ва баҳолаш модели асосида ташкил этилган тажриба - синов ишларининг натижалари ва уларнинг таҳлили кейинги бандда келтирилди.

Юридик йўналиш талабаларининг инглиз тили бўйича соҳага оид термин, атама, луғат ва иш юритиш ҳужжатларини ёзишга қаратилган ёзув малакаларини ривожлантиришда эссе, хат ёзиш (расмий ва норасмий), казус, муаммоли вазият каби ёзув турларидан фойдаланиши ҳамда казус ва муаммоли вазиятларга оқилона, қонун доирасида ёндашган ҳолда жавоб беришлари, вазият юзасидан фикр билдиришлари муҳим саналади.

Тадқиқот жараёнида бўлажак юристлар ҳамда соҳа эгаларининг касбий фаолиятида учрайдиган реал воқеа ва ҳодисаларга асосланган муаммоли вазиятлар юзасидан хат ёзиш (электрон) ёзув турларидан фойдаланиш даражаси таҳлил қилинди (4-жадвалга қаранг):

4-жадвал

Ёзма топшириқ намунавий саволлари

Citizen Umid Sharipov and his wife, who are residents in Mirzo Ulugbek district, are suffering from nuisance nowadays. Sharipov is nearly 64 years old, he and his wife are pensioners. Because of their age, they have problems with health. For three	Citizen Timur Aripov is claiming on behalf of his neigbours. As he states, they reside in Mirzo Ulugbek district and are suffering from nuisance these days. At the backyard of their neighborhood, there is a construction work, which is being invested by

years, Mr. Sharipov has had allergic rhinitis and nervousness. The issue is that, an investor, Kamol Rayimov has been building a housing estate next to the claimant`s apartment building since August. The construction works, especially dust and dirt cause to an excessive disagreement of the olds. This constant disturbance annoys lots of neighbors, particularly Mr. Sharipov feels himself appallingly. Therefore, Mr. Sharipov is grieving mostly from this. The residents several times claimed about this to Mr. Sharipov. However, he ignored them.	Dilshod Kadirov. He hired builders to accomplish this architectural construction. A group of builders almost every day is drunk, makes much noise, and turns on loud music until the midnight. As Aripov claims, a couple of days ago three of them nearly murdered one another. These drunk men hit and quarreled with each other losing their minds. This endless disruption irritates almost all neighbors and they feel themselves terribly. Residents several times claimed about nuisance to Mr. Kadirov. However, he ignored them.

Write AN E-MAIL OF ADVICE as a lawyer using at least 150 words.

Your email should follow the structure

- Opening paragraph
- Summary of facts
- Legal issue
- Lawyer’s advice
- Lawyer’s proposed action

Мазкур тадқиқотимизнинг методологик асоси сифатида шахс фаолияти ёндашуви назариясини илгари суришимиз мумкин. Ушбу назарияга мувофиқ, биринчидан, хорижий тилни ўрганишнинг предмет мазмунини танлаш ва умуман, юридик дискурсдаги хорижий тилда юридик ёзув давлат ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи ёки фуқаролик ҳуқуқи таълим профилидан бирини танлаб олган «Юриспруденция» йўналишида тайёрланаётган талабалар аниқ бир

гуруҳининг қизиқишлари ва эҳтиёжларига асосланиши лозим. Иккинчидан, юқорида келтириб ўтилган, шахсий фаолият ёндашувининг «фаолият» таркибий қисми шуни англатадики, юридик дискурсда хорижий тилда ёзиш кўникмасини қўлга киритиш жараёнида талабалар ўқув-англаш жараёнида фаол иштирок этадилар. Булар ушбу жараёнда пассив ахборотни истеъмол қилувчи реципиентлар сифатида эмас, балки унинг фаол яратувчиси ва жорий қилувчиси сифатида намоён бўладилар.

Шу муносабат билан, шахсий-фаолият ёндашуви таълимда компетентлик ёндашуви билан кесишади. Унинг ўзига хос ва бошқалардан ажралиб турадиган хусусиятларидан бири таълим натижасини алоҳида, муҳим натижаларни тақдим этишга эмас, балки талабаларнинг амалий фаолиятни амалга оширишига нисбатан компетенцияси – қобилияти терминларига қаратишидир.

Таълимда муаммоли вазият каби ёзув турларини ишлаб чиқиш ва ўтказиш талабаларнинг у ёки бу ўқув фанини ўзлаштирганлик ҳажмини холис баҳолашга имкон беради. Кредит-модуль тизимида турли шакллардаги ёзув турларидан фойдаланиш давлат таълим стандартлари талабларига мос ҳолда ишлашга имкон беради. Аналитик таҳлил қилиш, муаммоли вазият каби ёзув турларидан фойдаланиш билимларни масофадан туриб назорат қилишнинг, шунингдек, жорий назорат сифатида талабаларнинг мавзулар бўйича ўзлаштирганлик даражасини аниқлашга ёрдам беради. Ёзув турларидан фойдаланиш талабаларнинг касбий конпетенциясини яхшилайди ва сифатини оширади. Таъкидлаш жоизки, казус, муаммоли вазият каби ёзув турларини ишлаб чиқиш ва ўтказиш талабалар билим даражасини назорат қилиш ва баҳолашни амалга оширишга шароит яратади. Чунки айнан ёзув турлари таълим сифатининг индикатори бўлиб, талабанинг ўзлаштириш даражасини аниқлаш воситаси ҳамдир. Шунингдек, у фойдаланиладиган дидактик тизимнинг, ўз ичига таълим методикаси ва ўқув жараёнини ташкил

қилишнинг, замонавий технологияларни амалга оширишнинг самарадорлик кўрсаткичи ҳам ҳисобланади. Талабаларнинг ёзма топшириқларини баҳолаш рубрикаси шулар жумласига киради (5 -жадвалга қаранг):

REFERENCES:

[1]. Babaniyazova, N.P. (2018). Teaching English verbal vocabulary to students of the B1 level of the Republic of Karakalpakstan on the basis of modular technology. *PhD thes. in phil.* Tashkent.

[2]. Baudouin de Courtenay, I. A. (1963). *Selected works on general linguistics*. Moscow: Publishing House of the USSR Academy of Sciences.

[3]. Coombe, Ch. (2013). *A practical guide to evaluating English language learners*. University of Michigan Press.

[4]. *European Credit Transfer and Accumulation System* (ECTS). (1989). Amsterdam: International Tuning Academy. https://ec.europa.eu/education/resources-and-tools/european-credit-transfer-and-accumulation-system-ects_en.

[5]. Galskova, N.D. (2000). *Modern methods of teaching foreign languages*. Moscow: ARKTI-Gloss.

[6]. Giraldo, F. (2014). The impact of the professional development program on the performance of English teachers in the classroom. *PROFILE issues of professional development of teachers. No. 16(1)*, 63-76.

[7]. *The Bologna process and the European higher education area*. (1999). Lisbon: European Commission Website. https://ec.europa.eu/education/policies/higher-education/bologna-process-and-european-higher-education-area_en

[8]. Ur, P. (2009). *A course in language teaching: practice and theory*. Cambridge University Press.

[9]. Ushakova, S.V. (2010). On the issue of approaches to teaching creative writing in a foreign language in a modern secondary school. *Foreign Languages at School*, *9*, 61.

[10]. Vasilyeva, M.M., Sinyavskaya E.V. (1967). *Methods of preparing foreign languages for school*. Moscow: Progress.

[11]. Vorontsova, T.A. (2009). *Elementary stylistics.* Izhevsk: Udmurt University.

[12]. Wiggins, G. (2017). *Definition of evaluation.* http://www.edutopia.org/grant-wiggins-assessment

[13]. Yutsyavichene, P.A. (1989). *Theory and practice of modular training*. Kaunas: Shvesa.

[14]. https://lex.uz/docs/4380624

[15]. https://www.prodigygame.com/main-en/blog/teacher-evaluation/